

Ақиқадан ҳайратланган шифокор



14:30 / 01.01.2020 7181

Германияда истиқомат қилувчи бир мусулмон оилага Аллоҳ таоло фарзанд неъматини берибди. Улар суннатга амал қилган ҳолда еттинчи кун болани сочини олдириб ақиқа қилишибди. 40 кундан кейин шифокор кабулига боришганда шифокор болани тиббий кўрикдан ўтказиб бўлиб улардан: «Бола шундай туғилганми ё сочини ўзларинг қириб олдингларми?» деб сўрабди. Ота-она ўзимиз, нима бирор бир нарса бўлибдими, дея жавоб қайтаришибди.

Шифокор: «Йўқ хаммаси яхши. Яқинда биз хамкасблар билан бир текширув ўтказган эдик. Унда чақалоқларни 40 кунлигида сочи олиб қўйилса болани кўриш, эшитиш ва жисмоний ривожланишига жуда катта фойдаси борлигини кашф қилгандик. Агар 7 кунликда соч олинса икки баробар яхши бўларкан. Сизлар буни қаердан эшитдинглар» деб ҳайратланиб сўрабди.

Боланинг отаси: «Бизга пайғамбаримиз Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васаллам ўргатганлар», дея жавоб берибди.

Шифокор: «Ахир бу янгиликка энди 50 кун бўлди-ку, у одам қаердан билган экан, деб сўрабди.

Шунда чақалоқнинг отаси: «Пайғамбаримиз бундан 1400 йил олдин бу суннат амалларини намуна қилиб кетганлар», деб жавоб берибди.

Шифокор жавобдан сўнг ҳайратланганча бир нуқтага тикилиб қолибди...

Islom.uz портали таҳририяти